

IX. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ


Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 октябр ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 404,0 мингтага етди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 72,8 мингтага ёки 22,0 % ошган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 274-сонли қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан тақдим этилган билдиришномага асосан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри базаси юритилади.

Рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)


	Умумий сони, минг бирлик		01.10.2019 йил	
	01.10.2018 йил	01.10.2019 йил	ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, % да	жамига нисбатан % да
Жами	331,2	404,0	122,0	100,0
<i>шундан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	25,4	30,3	118,9	7,5
саноат	57,3	71,7	125,0	17,7
қурилиш	29,5	37,3	126,6	9,2
савдо	73,4	100,1	136,4	24,8
ташиш ва сақлаш	13,5	15,8	117,3	3,9
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	20,4	26,0	127,8	6,4
ахборот ва алоқа	7,2	8,2	113,9	2,0
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	6,7	7,8	116,4	1,9
бошқа турлар	97,8	106,8	109,2	26,6

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган
корхоналар ва ташкилотларнинг сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми яъни 24,8 % савдо, 17,7 % саноат, 9,2 % қурилиш, 7,5 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 6,4 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 3,9 % ташиш ва сақлаш, 2,0 % ахборот ва алоқа соҳаси, 1,9 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва 26,6 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келган.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган
корхоналар ва ташкилотларнинг улуши, %
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**



Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (84,1 минг), Тошкент (42,3 минг), Фарғона (35,0 минг), Андижон (32,6 минг) ва Самарқанд (32,1 минг) вилоятларига, энг камлари Сирдарё (13,0 минг), Навоий (16,0 минг) ҳамда Жиззах (17, 6 минг) вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади.


**Рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг
худудлар бўйича тақсимланиши, минг бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**

	<i>01.10.2018 йил</i>		<i>01.10.2019 йил</i>	
	<i>Умумий сони</i>	<i>жамига нисбатан % да</i>	<i>Умумий сони</i>	<i>жамига нисбатан % да</i>
Ўзбекистан Республикаси	331,2	100,0	404,0	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	15,7	4,7	18,5	4,6
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	28,5	8,6	32,6	8,0
Бухоро	18,5	5,6	23,8	5,9
Жиззах	14,5	4,4	17,7	4,4
Қашқадарё	21,1	6,4	25,3	6,3
Навоий	11,0	3,3	16,0	4,0
Наманган	22,1	6,7	25,8	6,4
Самарқанд	25,3	7,6	32,1	7,8
Сурхондарё	16,2	4,9	18,8	4,7
Сирдарё	10,9	3,3	12,9	3,2
Тошкент	34,3	10,4	42,3	10,5
Фарғона	28,8	8,7	35,0	8,7
Хоразм	15,4	4,6	19,1	4,7
Тошкент ш.	68,9	20,8	84,1	20,8

Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар сони 386,0 мингтани ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирилганда 69,3 мингтага (21,9 %) ошган.

Рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига фаолият кўрсатаётганларнинг улуши **95,5 %** ни, шу билан бирга жами корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши **4,5 %** ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққослаганда 0,1 % кўпайган.

**Фаолият кўрсатаётган ва фаолият кўрсатмаётган
корхоналар ва ташкилотлар улуши**
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 24,7 % савдо, 17,8 % саноат, 9,2 % қурилиш, 7,3 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 6,4 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 3,9 % ташиш ва сақлаш, 2,0 % ахборот ва алоқа, 2,0 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва 26,7 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**



Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг сони энг кўпи Тошкент шаҳри (80 969 та), Тошкент (36 842 та), Фарғона (34 615 та), Андижон (31 221 та), Самарқанд (30 466 та) вилоятарида ва аксинча Сирдарё (12 189 та), Навоий (15 693 та) ва Жиззах (16 863 та) вилоятларида корхоналар сони камлигини кузатиш мумкин.

2019 йил январь-сентябрь ойларида 75 635 та корхоналар ва ташкилотлар янги ташкил этилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 мартага ошган. Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (15 022 та), Тошкент (7 421 та), Самарқанд (6 497 та) ва Фарғона (6 003 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келган. Аксинча, Сирдарё (2 134 та), Навоий (5 226 та) ва Қорақалпоғистон Республикаси (3 144 та) вилоятларида янги ташкил этиш кўрсаткичи паст даражада.

**Худудлар кесимида янги ташкил этилган
корхоналар ва ташкилотларнинг сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**



Агарда иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрадиган бўлсак, корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (27 991 та), саноат (15 841 та), қурилиш (7 288 та) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (5 472 та) янги ташкил этилган. Энг кам эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш (1 064 та), ахборот ва алоқа (1 298 та) ҳамда ташиш ва сақлаш (2 412 та) фаолият турларига тўғри келган.

**Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**

	2018 йил январь-сентябрь ойларида		2019 йил январь-сентябрь ойларида	
	Умумий сони	жамига нисбатан, % да	Умумий сони	жамига нисбатан, % да
Жами Республика	42 796	100,0	75 635	100,0
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4 533	10,6	5 472	7,2
саноат	8 538	19,9	15 841	21,0
қурилиш	4 928	11,5	7 288	9,6
савдо	8 804	20,6	27 991	37,0
ташиш ва сақлаш	1 528	3,6	2 412	3,2
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2 925	6,8	5 411	7,2
ахборот ва алоқа	945	2,2	1 298	1,7
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	937	2,2	1 064	1,4
бошқа турлар	9 658	22,6	8 858	11,7

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган
корхоналар ва ташкилотларнинг сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**



2019 йил 1 октябрь ҳолатига 325,3 мингта тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар - 83,3 мингта, оилавий корхоналар - 24,1 мингта, масъулияти чекланган жамиятлар - 211,0 мингта ва бошқалар 6,9 мингтани ташкил этган.

Ташкилий ҳуқуқий шакллари таснифлагичи бўйича
фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналарининг сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Тижорат шаклидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (72 060 та), Тошкент (31 235 та), Фарғона (28 751 та), Андижон (26 417 та) ва Самарқанд (24 926 та) вилоятларида. Аксинча, Сирдарё (10 101 та), Навоий (13 601 та) ва Жиззах (13 741 та) вилоятларида корхоналар ва ташкилотларнинг сони камлиги кузатилади.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 9 732 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 772 тага ёки 39,8 % га ўсган. Ушбу корхоналарнинг асосий қисми Россия Федерацияси, Туркия Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳиссаларига тўғри келади.

Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг давлатлар кесимида сони, бирликда



Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 4 891 таси қўшма, 4 841 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони, бирликда



Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосий қисми Тошкент шаҳрида 5 778 та (жамиядаги улуши 59,4 %), Тошкент 1 066 та (10,9 %) ва Самарқанд вилоятида 500 тани (5,1 %) ташкил этган. Энг кам Хоразм 124 та (1,3 %), Қашқадарё 178 та (1,8 %), Сирдарё вилоятларида 146 та (1,5 %) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 143 тани (1,5 %) ташкил этади. Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалий ишларни янада жонлантириш ҳамда ривожлантириш лозимлигини кўрсатмоқда.

**Худудлар кесимида хорижий капитал иштирокидаги
фаолият кўрсатаётган корхоналар сони, бирликда
(2019 йилнинг Октябр ҳолатига)**

	<i>Жами</i>	<i>шундан:</i>	
		<i>Қўшма корхона</i>	<i>Хорижий корхона</i>
Ўзбекистан Республикаси	9 732	4 891	4 841
Қорақалпоғистон Республикаси	143	83	60
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	286	152	134
Бухоро	251	146	105
Жиззах	179	118	61
Қашқадарё	178	132	46
Навоий	182	113	69
Наманган	205	136	69
Самарқанд	500	356	144
Сурхондарё	307	99	208
Сирдарё	146	101	45
Тошкент	1066	577	489
Фарғона	387	269	118
Хоразм	124	85	39
Тошкент ш.	5778	2524	3254


Агар 2019 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрсак, энг кўпи саноатда - 3 542 та (36,4 %), савдода - 2 360 та (24,3 %) ҳамда бошқа фаолият турларида эса - 1 492 тани (15,3 %) ташкил қилган. Энг камлари эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда -130 та (1,3 %), ахборот ва алоқада - 254 та (2,6 %), ташиш ва сақлашда - 253 та (2,6 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 537 тани (5,5 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда - 423 тани (4,4 %) ва қурилишда - 741 тани (7,6 %) ташкил қилган.

Кўриниб турибдики фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолияти, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келган.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда
(2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)**

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, %</i>
Жами	9 732	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	537	5,5
саноат	3542	36,4
қурилиш	741	7,6
савдо	2 360	24,3
ташиш ва сақлаш	253	2,6
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	423	4,4
ахборот ва алоқа	254	2,6
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	130	1,3
бошқа турлар	1 492	15,3


**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги
корхоналарнинг ўсиш динамикаси, бирликда**



2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида хорижий капитал иштирокидаги янги ташкил этилган корхоналарнинг сони 2 511 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 852 тага кўпайган.

Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштирокида – 368 та, Туркия Республикаси - 334 та, Хитой Халқ Республикаси - 443 та, Қозоғистон Республикаси - 245 та ва Корея Республикаси - 166 та ҳамда 955 таси бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келган. Шунингдек, 2019 йил давомида Афғонистон Ислом Республикаси, Ҳиндистон, Германия Федератив Республикаси, Украина, Озарбайжон Республикаси ва бошқа давлатлар резидентлари томонидан қўшма фаолиятга қизиқиш билдиришган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги
корхоналарнинг давлатлар кесимида сони, бирликда
(2019 йил январь-сентябрь ойларида)**



Янги (2 511 та) ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (1 350 та), Тошкент (224 та), Сурхондарё (133 та), Самарқанд (119 та) ва Бухоро (96 та) вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг энг кам ташкил этган вилоятлар қаторига Сирдарё (39 та), Хоразм (52 та) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасини (28 та) киритиш мумкин.

**Январь-сентябрь янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги
корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари
бўйича сони, бирликда**



Агарда янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 768 та, савдода 722 та, қурилишда 285 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 199 та ва бошқа фаолият турларида 267 тани ташкил этган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги
корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича
ўсиш динамикаси, бирликда**

	2018 йил январь-сентябрь		2019 йил январь-сентябрь	
	Жами	жамига нисбатан, % да	Жами	жамига нисбатан, % да
Жами	1 659	100,0	2 511	100,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	133	8,0	199	7,9
Саноат	508	30,6	768	30,6
Қурилиш	159	9,6	285	11,4
Савдо	444	26,8	722	28,8
Ташиш ва сақлаш	43	2,6	62	2,5
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	74	4,5	109	4,3
Ахборот ва алоқа	59	3,5	59	2,3
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	18	1,1	40	1,6
Бошқа турлар	221	13,3	267	10,6

Шунингдек, 2019 йил 1 октябрь ҳолатига хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатмаётган корхоналар сони 348 та бўлиб, булар Тошкент шаҳри (167 та), Тошкент (120 та), Самарқанд (11 та), Андижон (9 та), Наманган (8 та), Бухоро (7 та) ва Сирдарё (2 та) вилоятларидадир.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига республикада **фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг** сони 323,0 минг (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 25,6 % га ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яъни 71,3 мингтаси (22,1 %) Тошкент шаҳри, 31,0 мингтаси (9,6 %) Тошкент, 28,6 мингтаси (8,8 %) Фарғона ҳамда 26,3 мингтаси (8,1 %) Андижон вилоятларида. Энг кам Сирдарё вилоятида 10,1 мингта (3,1 %), Навоийда 13,5 мингта (4,2 %), Жиззахда 13,7 мингта (4,2 %), Сурхондарё вилоятида 14,8 мингта (4,6 %) ва Қорақалпоғистон Республикасида 14,3 мингта (4,4 %) ни ташкил этган.

**Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган
кичик корхона ва микрофирмалар сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**


	01.10.2018 йил ҳолатига		01.10.2019 йил ҳолатига	
	Жами (бирликда)	жамига нисбатан % да	Жами (бирликда)	жамига нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	257 127	100,0	323 014	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	11 641	4,5	14 331	4,4
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	22 292	8,7	26 297	8,1
Бухоро	14 304	5,6	19 253	6,0
Жиззах	10 771	4,2	13 698	4,2
Қашқадарё	16 289	6,3	19 769	6,1
Навоий	8 684	3,4	13 531	4,2
Наманган	16 898	6,6	20 828	6,4
Самарқанд	18 865	7,3	24 791	7,7
Сурхондарё	12 133	4,7	14 763	4,6
Сирдарё	8 087	3,1	10 052	3,1
Тошкент	24 837	9,7	30 967	9,6
Фарғона	22 583	8,8	28 583	8,9
Хоразм	11 666	4,5	14 858	4,6
Тошкент ш.	58 077	22,6	71 293	22,1

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 323,0 мингта кичик корхона ва микрофирмаларнинг 94,9 мингтаси (29,4 %) савдо, 68,0 мингтаси (21,1 %) саноат, 35,5 мингтаси (11,0 %) қурилиш, 27,8 мингтаси (8,6 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 24,4 мингтаси (7,5 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 15,0 мингтаси (4,6 %) ташиш ва сақлаш, 7,5 мингтаси (2,3 %) ахборот ва алоқа, 6,1 мингтаси (1,9 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, шунингдек 43,9 мингтаси (13,6 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**




**Худудлар кесимида кичик корхона ва микрофирмаларнинг
фаолият ҳолатлари бўйича таркиби, % да
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**



2019 йил январь-сентябрь ойларида 72,4 мингдан зиёд кичик корхона ва микрофирмалар янги ташкил этилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 1,9 мартага кўпроқдир. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Тошкент шаҳри (14 485 та), Тошкент (7 124 та), Самарқанд (6 166 та) ва Фарғона (5 747 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Энг кам Сирдарё (2 031 та), Жиззах (2 941 та), Сурхондарё (3 593 та), Навоий (5 092 та) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (2 993 та) вилоятларида ташкил этилган.

Январь-сентябрь ойларида янги ташкил этилган ва фаолияти тугатилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг динамикаси, минг бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



2019 йил январь-сентябрь ойларида 10 104 та кичик корхона ва микрофирмалар у ёки бу сабабларга кўра фаолияти тугатилди. Бу кўсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1 341 тага камайган.

Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Агарда иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрадиган бўлсак, энг кўпи савдода 27 970 та, саноатда 15 812 та, қурилишда 7 277 та ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 5 436 та ташкил этилган. Энг ками эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатишда 965 та, ахборот ва алоқада 1 257 та ҳамда ташиш ва сақлашда 2 409 та корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилган.

Оилавий корхоналар


2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 25 110 тани ташкил этиб, улардан 24 137 таси ёки 96,1 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда давлат рўйхатидан ўтганлар ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сони ўртача 63,7 % га ошганлигини таъкидлаш лозим.

Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, бирликда (1 октябрь ҳолатига)



Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда уларнинг 35,0 % ёки 8 444 таси саноат, 22,1 % ёки 5 331 таси савдо, 21,0 % ёки 5 071 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 10,0 % ёки 2 406 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 1,1 % ёки 276 таси қурилиш, 1,0 % ёки 243 таси ташиш ва сақлаш, 1,0 % ёки 240 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 0,9 % ёки 215 таси ахборот ва алоқа ҳамда 7,9 % ёки 1 911 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг худудлар бўйича сони, бирликда



Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг 2019 йил 1 октябрь ҳолатига энг кўпи саноат ҳамда яшаш ва овқатланиш хизматлари, энг ками эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, ахборот ва алоқа каби фаолият турлари хиссасига тўғри келади.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида 9,3 мингта оилавий корхоналар янги ташкил этилди. Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,7 мартага кўпроқдир.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида янги ташкил этилган оилавий корхоналарнинг улуши саноат 33,2 % (3 088 та), савдо 30,5 % (2 839 та) ҳамда яшаш ва овқатланиш хизматлари 19,1 % (1 773 та), кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалиги 9,4 % (870 та), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш 0,7 % (70 та), ташиш ва сақлаш 0,7 % (64 та), қурилиш 0,7 % (63 та), ахборот ва алоқа 0,7 % (62 та) ва бошқа хизматлар 5,0 % (467 та) каби фаолият турлари хиссасига тўғри келади.


**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида янги ташкил этилган
ойлавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият
турлари бўйича улуши**



2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида жами 11 070 та корхоналар ва ташкилотлар (фермер ва деҳқон хўжалиқларидан ташқари) фаолиятини тугатган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1 125 тага камайган.

Албатта хўжалик юритувчи субъектларнинг бугунги кун талабларига мослашиши ва рақобатбардошлигини ошириши борасида юртимизда талайгина ижобий ўзгаришлар кўзга ташланиб, қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимизда корхоналарнинг бугунги кун бозорига мослашиши даражаси ортиб бормоқда. Мисол тариқасида 2017 йилда 18 846 та, 2018 йилда 12 195 та корхоналар ва ташкилотлар ўз фаолиятини якунлаган бўлса, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ушбу кўрсаткич 11 070 тани ташкил этган.

2015-2019 йиллар январь-сентябрь ойларида янги ташкил этилган ва фаолияти тугатилган корхоналар ва ташкилотлар динамикаси, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Агарда тугатилган корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича қарайдиган бўлсак, 27,3 % ёки 3 022 таси савдо, 17,6 % ёки 1 949 таси саноат, 9,5 % ёки 1 056 таси қурилиш, 10,3 % ёки 1 146 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 6,8 % ёки 752 таси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 3,9 % ёки 433 таси ташиш ва сақлаш, 2,4 % ёки 264 таси ахборот ва алоқа, 1,2 % ёки 128 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 21,0 % ёки 2 320 таси бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

Шундан кўриниб турибдики, тугатилган корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келган.

**Фаолияти тугатилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий
фаолият турлари бўйича сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**

	2018 йил январь-сентябрь ойларида		2019 йил январь-сентябрь ойларида		
	Жами	Жамига нисбатан улуши, %	Жами	Жамига нисбатан улуши, %	фарқи, (+,-)


Жами	12 195	100,0	11 070	100,0	-1 125
-------------	---------------	--------------	---------------	--------------	---------------

шундан:

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 114	9,1	1 146	10,3	32
Саноат	2 219	18,2	1 949	17,6	-270
Қурилиш	1 240	10,2	1 056	9,5	-184
Савдо	3 426	28,1	3 022	27,3	-404
Ташиш ва сақлаш	551	4,5	433	3,9	-118
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	903	7,4	752	6,8	-151
Ахборот ва алоқа	316	2,6	264	2,4	-52
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	162	1,3	128	1,2	-34
Бошқа турлар	2 264	18,6	2 320	21,0	56

2019 йил январь-сентябрь ойларида 10 104 та кичик тадбиркорлик субъектлари тугатилган. Уларнинг асосий қисми 3 007 таси (29,8 %) савдо, 1 926 таси (19,1 %) саноат, 1 052 таси (10,4 %) қурилиш, 1 122 таси (11,1 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 745 таси (7,4 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 427 таси (4,2 %) ташиш ва сақлаш, 258 таси (2,5 %) ахборот ва алоқа, 113 таси (1,1 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 1 454 таси (14,4 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келган.

**Фаолияти тугатилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**



Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш натижасида ҳудудларда ҳам тугатилган кичик корхона ва микрофирмалар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Ушбу йўналишда асосан Тошкент шаҳрида - 883 та, Наманган - 318 та, Бухоро - 139 та ҳамда Самарқанд - 169 та вилоятларида кичик корхона ва микрофирмалар 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан кам тугатилганлигини статистик рақамларда кўришимиз мумкин.

**Худудлар кесимида фаолияти тугатилган кичик корхона
ва микрофирмалар сони, бирликда**
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

	Январь-сентябрь ойларида		фарқи, (+,-)
	2018 й.	2019 й.	
Ўзбекистон Республикаси	11 445	10 104	-1 341
Қорақалпоғистон Республикаси	681	612	-69
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	675	1 146	471
Бухоро	716	577	-139
Жиззах	477	440	-37
Қашқадарё	438	719	281
Навоий	365	447	82
Наманган	1 427	1 109	-318
Самарқанд	786	617	-169
Сурхондарё	732	298	-434
Сирдарё	412	320	-92
Тошкент	863	912	49
Фарғона	615	426	-189
Хоразм	616	722	106
Тошкент ш.	2 642	1 759	-883

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри - ахборот-маълумотнома тусидаги, вақти-вақти билан янгиланган бориладиган маълумотлардан иборат бўлган автоматлаштирилган тизим ҳисобланади ҳамда ягона классификациялар тизими асосида корхоналар ва ташкилотларнинг давлат ҳисобини ва уларни идентификациялаштиришни таъминлайди.

Рўйхатга олинган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда юридик шахсларнинг давлат реестрида мавжуд бўлган юридик шахслар (фаолияти тугатилган юридик шахслардан ташқари).

Фаолият кўрсатаётган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда давлат статистика органларига молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлиги ёки тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумот келиб тушмаган юридик шахслар.

Фаолият кўрсатмаётган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ёки белгиланган муддатда устав жамғармаларини шакллантирмаган ҳамда тугатиш жараёнида бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлган юридик шахслар.

Янги ташкил этилган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда юридик шахсларнинг давлат реестрига янгидан киритилган юридик шахслар.

Фаолияти тугатилган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан юридик шахсларнинг давлат реестрига юридик шахсни тугатилганлиги тўғрисидаги ёзув киритилгандан сўнг бу ҳақда давлат статистика органларига маълумот тақдим этилган юридик шахслар.

Юридик шахсларнинг фаоллик даражаси - маълум бир даврда фаолият кўрсатаётган юридик шахсларнинг жами рўйхатдан ўтган юридик шахсларга нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Юридик шахсларнинг янги ташкил этилганлик даражаси - маълум бир давр оралиғида ташкил этилган юридик шахсларнинг жами фаолият кўрсатаётган юридик шахсларга нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Кичик корхона ва микрофирмалар - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида” 275-сонли қарорининг 1-иловасига мувофиқ кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар - норезидентлар иштирокидаги корхоналар, хорижий юридик шахслар (хорижий фирмаларнинг филиаллари ва бўлимлари), корхонанинг устав фондида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этган корхоналар.